

1-4 СИНФЛАРДА СОДДА ВА МУРАККАБ МАСАЛАЛАР ЕЧИШ

Бошланғич математика курсида, хусусан – синф курсида масалалар устида ишлаш асосий ўрнини олади. Бу ерда қўшиш ва айириш, қўпайтириш ва бўлишга, бир хил қўшилувчиларнинг йиғиндисини топинг, тенг бўлакларга бўлишга, сонни бир неча марта орттиришга, амалларнинг номаълум компонентасини топишга доир ҳар хил содда масалалар келтирилади. Шунингдек ҳар хил кўринишдаги мураккаб масалалар келтирилади.

Содда ва мураккаб масалаларни ечиш малакасини таркиб топтириш бўйича биринчи ва иккинчи синфларда бошланган иш учинчи ва тўртинчи синфларда давом эттирилади.

3-4 синфларда, энг олдин, 1-2 синфлар курсларига киритилган содда ва мураккаб масалаларни ечиш кўникма ва малакаларни янада мустаҳкамланади.

Математик масала бу боғлиқли ихчам ҳикоя бўлиб, улар билан маълум муносабатлар орқали боғланган бошқа катталикларнинг қийматлари изланади.

Содда ва мураккаб масалаларни ечишда бевосита унинг шартини тўғри тузилишига эътибор берилиши лозим. Тексли масалалар ечиш баъзи тушунчаларни, муносабатларни, ҳисоблаш малакаларини таркиб топтиришдан ташқари, ўқувчиларнинг билим доираларини кенгайтиришга, баъзи миқдорлар ва улар орасидаги боғланишларни чуқурроқ тушунтиришга имкон беради.

Масалани қисқа ёзиш малакасини таркиб топтирилишига 1 синфдан бошлаб катта эътибор берилади. Шу билан бирга, 1 синфда масалани қисқача ёзилиши, асосан ўқитувчи раҳбарлигида амалга оширилган бўлса, энди 2,3,4 синфларда ўқувчиларни масаланинг қисқа ёзувини мустақил бажаришга ўргатиш вазифаси қўйилади. Масаланинг шarti қисқа ёзув кўринишида ва яна жадвал, чизма, график кўринишида бўлади.


Бир қатор масалаларнинг ечимларини топишга расм ва чизмалар билан график равишда кўрсатиш катта ёрдам беради.

Масалани ечиш усуллари

1. Арифметик усул
2. Савол қўйиб ечиш усули
3. Изоҳлаб ечиш усули
4. Ифода тузиб ечиш усули
5. Тенглама тузиб ечиш усули
6. График усули

Масала:

Икки омборда 1000 ц картошка бор эди. Иккала омбордан баравардан картошка олиб кетилганидан кейин, бирида 345 ц, иккинчисида 389 ц картошка қолди. Ҳар бир омбордан неча килограммдан картошка олиб кетилган?



1) $345+389= 734$ (ц) иккала омборда қолгани

2) $1000-734=266$ (ц) иккала омбордан олинган

3) $266:2=133$ (ц) ҳар қайси омбордан олингани

Жавоб: 133 (ц)

Масала. Фермер бозорга 300 кг картошка 200 кг сабзи олиб келиб, картошканинг 1 кг мини 125 сўмдан сабзининг 1 кг ни 80 сўмдан сотди. Кечқурун кун бўйи савдо қилиб топган жами пулини ҳисоблаб кўрганда 48250 сўм чикди. Агар фермер шу кун 150 кг сабзи сотган бўлса, кун бўйи неча килограмм картошка сотган?

Ечилиши:

1-савол. Фермер кун бўйи неча сўмлик сабзи сотган?

$150 \times 80 = 12000$ (сўм)

2-савол. Фермер неча сўмлик картошка сотган?

$48250-12000=36250$ (сўмлик).

3-савол. Фермер кун бўйи неча килограмм картошка сотган?

$36250:125=290$ (кг)

Жавоб: 290 кг.